



THE IMPORTANCE OF CRIME PREVENTION AMONG STUDENTS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Usmanov Doniyor Kahramon ugli

Senior Lecturer at the Academy of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan, Major

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17474849>

ARTICLE INFO

Received: 24th October 2025

Accepted: 28th October 2025

Online: 29th October 2025

KEYWORDS

Student, pupil, cadet, listener, offense, measures for the prevention of offenses among students, factors contributing to the commission of offenses by students.

ABSTRACT

This article presents thoughts and reflections on the concepts of student, pupil, cadet, listener, offense, crime prevention, crime prevention among students of higher educational institutions, offenses among students of higher educational institutions, legal measures, organizational measures, social measures, and mechanisms for implementing spiritual and educational measures.

ЎҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АҲАМИЯТИ

Усмонов Дониёр Қахрамон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси катта ўқитувчи, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17474849>

ARTICLE INFO

Received: 24th October 2025

Accepted: 28th October 2025

Online: 29th October 2025

KEYWORDS

Талаба, ўқувчи, курсант, тингловчи, ҳуқуқбузарлик, талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш чора-тадбирлари, талабалар томонидан ҳуқуқбузарлик содир қилинишининг омиллари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада талаба, ўқувчи, курсант, тингловчи, ҳуқуқбузарлик тушунчалари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар, ҳуқуқий чора-тадбирлар, ташкилий чора-тадбирлар, ижтимоий чора-тадбирлар, маънавий-маърифий чора-тадбирлар амалга ошириш механизмлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар келтирилган.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан беш йил аввал, 2020 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидлаганларидек: “Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”.

Давлатимиз раҳбари юқоридаги мурожаатномасида ўқиш, ўрганиш, замонавий билимларни эгаллаш, шунингдек, жипслашиш масаласига алоҳида урғу берганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки, ўқимасдан, саводхонликни оширмасдан, хусусан, ҳуқуқий саводхонликни оширмасдан туриб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шу боис ҳам 2022 –2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимизнинг бой тарихи, илмий-маданий мероси, миллий-диний қадриятларни ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисидаги Фармони ҳам ёшлар салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун мустақкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтовчи ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, юртимизда ҳар бир йилга алоҳида ном бериш ва ундан келиб чиқиб, давлат дастурига оид ҳужжатларни қабул қилиш анъанаси мавжуд. Инсон қадрини улуғлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, кучли иқтисодиётни барпо этиш мақсадида мамлакатимизда 2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди. Кейинги йилларда ёшларга бўлган эътибор, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган шароит ва имкониятларни ҳар бир ёш ўз ҳаёт тарзида, фаолиятида ҳис қилиб турибди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида мустақкамлаб қўйилди. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияда Оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилди.

Асосий қонунимизнинг 79-моддасида давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириши, давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши белгилаб қўйилди.



Баркамол авлодни вояга етказиш, униб ўсиб келаётган ёшларга доимий ғамхўрлик қилиш мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсатнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан биридир. Қувонарлиси шуки, бугун Ўзбекистонда дунёни янгича идрок этадиган, ўз тақдирини халқи, Ватани тақдири билан бир деб биладиган янги авлод шаклланмоқда.

Улар ажодлар маънавий меросини ҳам, умумбашарий қадриятлар, ақлий кашфиётларни ҳам тенг ўзлаштирмоқдалар. Бинобарин, юрагида миллий ифтихор туйғуси, Ватан муҳаббати жўш урган билимдон, доно, тадбиркор ёшлар ҳар қандай мамлакатнинг салоҳияти, келажагини белгилайдиган асосий кучдир. Ёшлар турли таълим муассасаларида билим олиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, ватанимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар жамият тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади ва айни вақтда, ҳар бир мамлакат илмий интеллектуал салоҳиятининг даражасини билдириб, ривожланиш истиқболларини белгилаб беради. Чунки мамлакат иқтисоди ва маданиятининг юксалиши, халқ хўжалигига илмфан ютуқдари жорий этилиши учун олий мактабларнинг талабалари чуқур назарий билим ҳамда амалий кўникмаларга эга булишлари лозим.

Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига талаба сони кўп бўлади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатда талабалар миқдори сезиларли даражада ортди. Мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактаби ҳамда академик лицей ва касбхунар коллежини битирган ҳар бир кишининг талаба бўлишига ҳаққи бор.

Талаба давлат ҳисобидан, шунингдек, шартнома асосида уз ёнидан таҳсил кўриши мумкин. Мамлакатимизда талабалар бакалавриат ва магистратура сингари 2 босқичда олий таълим оладилар.

Талаба ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий жиҳатдан энг фаол, ҳаракатчан, жонкуяр кисми ҳисобланади. Бевосита илм-фанни ўзлаштириш билан машғулликлари учун талабалар жамиятнинг интеллектуал илғор қатлами саналади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг чуқур касбий ҳамда маънавий-ахлоқий тайёргарликка эга бўлишига катта эътибор қилинади.

Талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, улар билан якка тартибда ишлаш мақсадида 112та давлат олий таълим муассасасида 155 нафар профилактика инспектори, 3020 нафар тьюторлар фаолияти йўлга қўйилди.

2024 йилда барча Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирликларининг қўшма қарорига асосан олий таълим муассасалари талабаларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жамоат тартибини сақлашга кўмаклашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, олий



таълим муассасаларида ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришга кўмаклашиш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасида «Қалқон» жамоатчилиги гуруҳлари ташкил этилди.

Ўзбекистонда талабаларнинг мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш, миллий истикдол ғоясини тўлиқ эгаллаб олишларига имконият яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда талабаларни ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш учун уларнинг барчасига стипендия берилади, яшаш жойига муҳтож талабалар ётоқ билан таъминланади, ёшларга турли илмий, бадий ва спорт тўғрақларида иштирок этиш имкониятлари яратилган. Талабалар ўртасида ҳар 2 йилда 1 марта универсиадалар ўтказиб турилиши уларнинг жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб ўсишларига маълум даражада ёрдам беради.

Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалга оширилаётган ижобий ишларга қарамасдан, айнан олий таълим муассасалари талабалари томонидан содир этилаётган жиноятлар салмоғи сезиларли даражада ортиб бормоқда.

2025 йилнинг биринчи чорагида пойтахтдаги талаба ёшлар томонидан 460 та жиноят содир этилди.

2025 йилнинг биринчи чорагида пойтахтдаги ёшлар томонидан 460 та жиноят содир этилган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 39,8 фоизга юқоридир (2024 йилнинг биринчи чорагида бу рақам 329 тани ташкил этган). Талабалар орасида эса ушбу кўрсаткич 7,8 фоизга кўпайган.

Шунингдек, талабалари энг кўп жиноят содир этаётган пойтахтдаги олий таълим муассасалари номлари ҳам маълум бўлган.

Давлат ОТМлари кесимида:

1-ўрин: Тошкент давлат транспорт университети – 27 нафар.

2-ўрин: Тошкент давлат техника университети – 21 нафар.

3-ўрин: Ўзбекистон Миллий университети – 20 нафар.

4-ўрин: Тошкент давлат иқтисодиёт университети – 19 нафар.

5-ўрин: Тошкент давлат юридик университети – 12 нафар.

Нодавлат ОТМлар кесимида:

1-ўрин: ISFT – 23 нафар.

2-ўрин: Alfraganus университети – 20 нафар.

3-ўрин: Кимё халқаро университети – 19 нафар.

Жиноятлар турлари бўйича таҳлил қилинганда:

Йўл транспорт ҳодисаси – 72 та

Ўғирлик – 57 та

Гиёҳвандлик – 46 та

Тан жароҳати – 41 та

Безорилик – 24 та

Босқинчилик – 11 та

Қотиллик – 5 та

Талончилик – 5 та

Номусга тегиш – 2 та



Бошқа – 48 та.

Шу боис, ОТМ раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва масъуллар ички ишлар органлари билан ҳамкорликда талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига алоҳида эътибор қаратиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда, талабаларда ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий маданият ҳамда ҳуқуқий онгнинг етарли даражада ривожланмаганлиги натижасида улар ўртасида енгил наркотик сифатида оммалашган, нархи нисбатан арзон, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган, психотроп ва кучли таъсир қилувчи дори воситалари (лирика, грамадол) ҳамда синтетик гиёҳвандлик (стимулятор ва галлюциноген) воситаларининг ноқонуний муомаласи криминоген вазиятига жиддий таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан олий таълим муассасалари талабалари ўртасида бундай турдаги дори-дармонлар ва гиёҳвандлик воситалари тарқалишининг олдини олиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Сўнги пайтларда онлайн қимор ўйинлари олий таълим муассасаларининг айрим талабалари ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бундай ўйинлар натижасида нафақат молиявий таъсирга, балки қарамликни келтириб чиқарувчи ҳиссий таъсирга ҳам тушиб қолиш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Миллий урф-одатларимиз ва менталитетимизга, шунингдек, диний қарашларимизга ёт бўлган қимор ўйинларини ноқонуний равишда ташкил этиш ҳолатлари, айниқса, онлайн тарзда оммалашиб, олий таълим муассасалари талабаларини ўз домига тортаётгани ачинарли ҳолатлардан биридир. Ҳаттоки, бундай ўйинларда кўп миқдоридаги пулини ютқазиб қўйиб, охир-оқибат ўз жонига қасд қилиш ёки ютқазиб қўйган пулини тўлаш учун жиноят содир қилиш ҳолатлари ҳам юз бермоқда.

Мамлакатимизда қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ҳамда ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-моддасида жиноят сифатида белгилаб қўйилган.

Қолаверса, бундай ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этиш, шунингдек, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 191-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилган.

Жумладан, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан, ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Интернет тармоғидаги қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлардан ҳеч ким ютмаган ва унинг имкони ҳам йўқ. Сабаби ушбу дастурнинг яратган шахслар сунъий интеллект ва кучли психологлар имкониятларидан самарали фойдаланган.

Афсуски, қимор ўйинларида ютқазган ва қарзга ботган талабалар пул топиш учун жиноят йўлига кириш ҳолатлари тобора кўпайиб бораётганлиги ачинарли



ҳолатдир. Яна бир масала, мафкуравий зиддиятлар авж олган бугунги глобаллашув даврида интернет ва ижтимоий тармоқлардаёшлар онгини заҳарлашга қаратилган таҳдидлар тобора кўпроқ намоён бўлиб бормоқда.

Афсуски, бунинг натижасида айрим олий таълим муассасалари талабалари орасида оммавий маданиятга эргашиш, ахлоқсизлик, жиноятчилик йўлига кириш, гиёҳвандлик, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, миллий ва диний қадриятларга ҳурматсизлик, экстремизм ва радикализм каби ижтимоий иллатларга берилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида олиб бориладиган профилактик тадбирлар, бу изчил, мураккаб, узоқ муддатли жараён бўлиб, талаба муҳитида тегишли ҳуқуқий қарашларни босқичма-босқич яратишни таъминлайди.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш учун мавжуд куч ва воситалардан фойдаланишнинг миқдорий ҳисоб-китоблари тизимига асосланади.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш университетнинг шахсий, ўзига хос ва объектив вазифаси ҳисобланади. Уни ҳал қилиш таълим муассасасининг янада умумий, стратегик вазифаларини бажариш доирасида амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолияти муайян асосий тамойилларга, ўзига хос моделга асосланиши керак. Талабалар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни ҳал қилиш учун аниқ бир концепция ишлаб чиқиш лозим. Чунки талабалар ўртасида содир қилинган низоларни ҳал қилиш тартибини тартибга солувчи ҳуқуқий база мавжуд эмас.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида содир қилинадиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф қилиш ҳамда келгусида содир қилиниши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни башорат (прагноз) қилган ҳолда, ҳуқуқбузарлик содир қилишга туртки бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш лозим. Бу борада фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари эмас, балки олий таълим муассасалари раҳбарияти ва масъул ходимлари ҳам бу борадаги ишларни кучайтиришлари лозим.

Талабалар ўртасида профилактик ишлар комплекс, тизимли, ягона режа ва концепсия асосида, ягона бошқарув марказидан олиб борилиши керак. Бу ишнинг ташкилотчиси ва бошқарувчиси олий таълим муассасаси раҳбари бўлиб, барча профилактика тадбирларини бевосита ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати томонидан амалга оширилиши лозим.

Олий таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш – кенг қамровли, тизимли ёндашувни талаб қилувчи жараёндир. Бу жараёнда профилактиканинг методик асосларини такомиллаштириш, инновацион ёндашувлардан фойдаланиш ва барча манфаатдор томонлар ўртасидаги



ҳамкорлик самарадорликни оширади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жамиятда тинчлик ва тартибни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун жуда муҳимдир.

Ушбу жараён нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки оила, таълим муассасалари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида амалга оширилиши керак. Ҳар бир фуқарода ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантириш орқали жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкин. Профилактик чора-тадбирлар самарали ташкил этилса, жамиятда барқарорлик ва фаровонлик таъминланади.

Профилактиканинг асосий йўналишларидан бири — аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш, мактаб ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқшунослик фанини самарали ўқитиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдир. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан индивидуал тарзда ишлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда ички ишлар органлари томонидан олиб борилаётган профилактик суҳбатлар, назорат ва манзилли иш усуллари самарали натижа беради. Ҳар бир фуқаро қонунлар билан яхши таниш бўлиши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши, жамиятдаги қонун устуворлигига ҳурмат билан ёндашиши керак. Чунки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда энг муҳим омил — бу инсоннинг ўзининг онги ва тарбиясидир. Шунинг учун профилактиканинг самарадорлиги нафақат давлат органларига, балки ҳар бир инсонга ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги кунда жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг кўплаб шакллари кузатилмоқда. Бу каби ҳолатлар кўпинча ёшлар ўртасида, ҳуқуқий билим ва маданият етишмаслиги, ишсизлик, таълим-тарбиядаги камчиликлар, оилавий муҳит таъсири туфайли юзага чиқади.

Шу боисдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жамиятнинг барча аъзолари — давлат органлари, таълим муассасалари, оила, маҳалла ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигида амалга оширилиши лозим.

Ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси - ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар – бу олий таълим муассасалари талабалари ўртасида содир қилинган, маъмурий ёки жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);



Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси - бу ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустақамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими.

“Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” тушунчаси хусусида гап борганда, юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) *олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси* – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолияти бўлиб, профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди;

2) *мазкур чора-тадбирлар қуйидагиларга йўналтирилади:*

а) талабаларда қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муносабатини шакллантириш ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш;

б) талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш (зарарсизлантириш);

в) ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган талабаларни тарбиялаш;

г) талабаларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига хизмат қилувчи чора-тадбирларни қуйидаги устувор йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

Ҳуқуқий чора-тадбирлар – талабалар билан ишлашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар. Ҳозирги кунда давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги фаолияти етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаган. Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлил қилинганида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органларнинг ҳеч бирида талабалар билан ишлашнинг аниқ асослари мавжуд эмаслиги кўзга ташланади. Фикримизча, талабалар билан ишлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда тегишли субъектларнинг мазкур йўналишдаги аниқ вазибаларини белгилаш билан бирга, улар ўртасидаги ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларни ҳам ишлаб чиқиш зарур. Бинобарин, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, эндиликда ички ишлар, прокуратура органлари, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик учун омил бўлаётган ишсизлик, гиёҳвандлик, қаровсизлик, оилавий низолар ва шу каби бошқа



иллатларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриши зарур. Шунингдек, умумийликдан қочиш, бунинг учун ягона мақсад сари интилиб, ҳамкорликда фаолият олиб бориш, ҳар бир муаммога аниқ режа асосида ёндашиш лозим¹.

Ижтимоий чора-тадбирлар. Айрим адабиётларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида сўз юритилганда ижтимоий профилактикага алоҳида урғу берилган. Дарҳақиқат, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида ва ҳуқуқбузар шахсининг шаклланишида ижтимоий омиллар катта аҳамиятга эга. Айниқса, талабалар қатламининг шаклланиши ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига асосан ижтимоий омиллар хизмат қилмоқда. Гап шундаки, шахснинг ишсизлиги, ўқиш ва ҳарбий хизматдан ташқарида қолиши айнан ижтимоий сабаблар натижасида содир бўлади. Масалан, тегишли маълумот ва касб-хунарга эга бўлган шахснинг ишсиз қолиши ёки ҳарбий хизматга яроқли шахснинг ҳарбий хизматга қабул қилинмаслиги унинг жамиятдан бегоналашувига олиб келади.

Фикримизча, талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қуйидаги ижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим: талабаларнинг ўз ўрнини топишларига монелик қилувчи объектив ва субъектив сабабларни ўрганиш;

талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги имкониятларни ўрганиш, уларни келгусида янада ошириб бориш;

талабаларни тадбиркорликка жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш бўйича тегишли чоралар кўриш ва ҳ.к.

Ташкилий чора-тадбирлар. Олий таълим муассасалари талабалари билан ишлаш самарадорлиги бу борадаги чора-тадбирлар қай даражада ҳаётий ва оптимал ташкил этилишига боғлиқ.

Бу масалада қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарур:

тегишли чора-тадбирлар ҳаётий, амалдаги реал ҳолатга, талабалар билан ишлашга жалб этилган субъектларнинг жисмоний имкониятлари ҳамда бошқа кунлик вазибаларга мос, тегишли субъектларнинг кенг ҳамкорлигига йўналтирилган бўлиши;

ички ишлар органларининг координатор бўлиши;

белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга талабаларнинг ўзларини ҳам кенг жалб этиш;

ахборот алмашишнинг тезкорлиги;

натижаларининг баҳоланиши ва бошқалар.

¹ Президент: олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 ноябрь куни ўтказилган жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилишдаги маърузасидан // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 21.11.2017).



Маънавий-ахлоқий чора-тадбирлар. Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида маънавий-ахлоқий масалалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Талабаларнинг муваффақиятсизликка учрайвериши (ишга кира олмаётганлиги, имтиҳон жараёнларини мураккаблашганлиги ва бош.) уларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларига ҳам салбий таъсир қилади. Бу эса амалдаги тузумдан норозилик ва ҳуқуқий нигилистик қарашлар шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун талабалар ўртасида тарбиявий таъсирга эга чора-тадбирларни кенг кўламда ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида тарбиявий таъсирга эга чора-тадбирлар таълим тизимининг барча босқичларини, шу билан бирга, таълимдан ташқари жараёнларни ҳам қамраб олиши мақсадга мувофиқ. Айниқса, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки спорт аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради, турли касалликлар ва зарарли одатларнинг олдини олади. Спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутаяди. Бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барча юртдошларга ғурур-ифтихор бағишлайди².

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси умумдават ва умумжамият иши ҳисобланади. Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш борасидаги ишларнинг тизимли ташкил этиш ҳамда муайян изчилликда олиб бориш орқалигина бу борада самарадорликка эришиш мумкин.

Демак, келтирилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда, шундай хулосага келиш мумкин: *олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси* – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг талабаларда қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик муносабатини шакллантириш, талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган талабаларни тарбиялаш, талабаларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиш хавфини камайтиришга йўналтирилган профилактик таъсир чора-тадбирларини амалга ошириш фаолияти.

1. Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган омилларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

-Ижтимоий-иқтисодий омиллар (ишсизлик, моддий таъминот етишмаслиги);

² *Гофуров Ш.Р.* Уюлмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устувор йўналишлари // // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2018. – № 2. – Б. 54–57.



- Маънавий-ахлоқий заифлик (ҳуқуқий онгнинг паст даражада эканлиги);
- Оилавий муҳит таъсири;
- Бўш вақтни самарали ташкил этмаслик.

2. Ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишдаги мавжуд муаммолар:

- Профилактика ишларининг тизимли ташкил этилмаганлиги;
- Олийгоҳларда ҳуқуқий тарбия чора-тадбирларининг самарасизлиги;
- Талабалар билан индивидуал ишларнинг етарли даражада ташкил этилмаглиги;
- Ижтимоий шериклик (масалан, ички ишлар, маҳалла, ота-оналар) етишмаслиги.

3. Методик ёндашувларни такомиллаштириш таклифлари:

- А) Тарғибот-ташвиқот ишларини замонавий усулларда олиб бориш:
Медиа-контентлар (видеороликлар, ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлар);
Симуляция ва тренинглари орқали ҳуқуқий ҳолатларни амалий мисолларда кўрсатиш.
- Б) Талабаларни ҳуқуқий маданиятга эга шахс сифатида шакллантириш:
Ҳуқуқий билимлар ойлиги каби доимий равишда ташкил этиладиган тадбирларни ўтказиш;
Психологик ва ҳуқуқий маслаҳат марказларини жорий этиш.
- В) Интерактив таълим методларини жорий этиш: Дебатлар, форумлар, кейс-стади (масалани таҳлил қилиш), ролли ўйинлар.
- Г) Таълим муассасаси ва маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш:
Профилактик кенгашлар фаолиятини йўлга қўйиш;
Менторлик тизимини жорий қилиш (катта ёшдаги талабалар ёрдамида назоратни кучайтириш).

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. —Тошкент: —Адолат, сўнгги нашр
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2020
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. —Тошкент:, сўнгги таҳрир
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг — “Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисидаги Фармони
6. Ҳуқуқшунослик.дарслик. Ш.Р.Аҳмедов ва бошқалар.—Тошкент: 2020
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 ноябрь куни ўтказилган жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилишдаги маърузаси.



8. Гофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси.